

Ипотека кредитлари шархи



2022 йил
I ярим йиллик

МУНДАРИЖА

Ўзбекистонда ипотека кредити бозори.....	2
“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари.....	14
Банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари.....	18
Ипотека кредитларининг сўндирилиши ҳолати.....	21
Иловалар.....	24

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаменти томонидан тайёрланган.

Фикр ва таклифларингиз учун:

Электрон манзил: dilshod_abd@cbu.uz

Тел.: (71) 212 60 99 (*ички-26378*)

Ўзбекистонда ипотека кредити бозори

Ипотека бозори рақобатбардош иқтисодийни ривожлантириш, уни барқарорлаштириш ва модернизация қилишга ҳисса қўшади, шунингдек, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, қурилиш ва бошқа соҳаларни рағбатлантириш, молия бозорини турғунлаштириш ва инвестицияларни кўпайтириш орқали инфляция ва ижтимоий кескинликни пасайтиришга ёрдам беради.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ипотека кредити бозори ҳам кенгайиб бормоқда. Буни, аҳолининг уй-жой сотиб олишга бўлган талаби ошиши ортидан мамлакатда амалга оширилаётган уй-жой қурилишлари кўламнинг ва аҳолига ипотека кредитларига оид ишларда амалий ёрдам берувчи “ипотека марказ” лари сонининг ортиб бораётганлиги, давлат бюджети маблағлари ҳисобига ипотека кредитлари ажратилишидан ташқари, банклар ўз маблағлари ҳисобидан ҳам ипотека кредитлари ажратаётганлиги мисолида кўриш мумкин. Бу ҳам, ўз навбатида, ипотека бозорида банклар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шаклланишида ва ипотека кредитлари фоиз ставкасининг пасайишига омил бўлмоқда.

Рақамлар мисолида таҳлил қилинганда, 2022 йил 1 июль ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғи 40,5 трлн. сўмни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 32 фоизга (9,7 трлн. сўмга) ўсган бўлса, 2022 йил I ярми давомида 36 400 нафар фуқарога ипотека кредитлари ажратилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (2021 йил I ярми давомида 25 321 нафар фуқарога 3,5 трлн.сўм) 85 фоизга ёки 3 008,3 млрд. сўмга ошиб, 6,5 трлн. сўмни ташкил этди.

Шундан, Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан **30 216** нафар фуқарога **5,1** трлн.сўм ҳамда банк ўз маблағлари ҳисобидан **6 184** нафар фуқарога **1,4** трлн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган.

Мазкур даврда ажратилган жами ипотека кредитларининг **5,3** трлн.сўми ёки 81 фоизи (*нафарга нисбатан*) бирламчи бозордаги уйларга, **1,2** трлн.сўми ёки 19 фоизи иккиламчи бозордаги уйлар учун йўналтирилган. Ушбу кредитларнинг 41 фоизи (*14 924 нафар*) хотин-қизлар ҳисобига тўғри келади.

Эътиборлиси, банклар ўз маблағи ҳисобидан ажратган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши 2022 йил I ярмида **21** фоизни (*1 384,9 млрд. сўм*) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (*497,8 млрд. сўм, жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши 14 фоиз*) **178** фоизга ёки **2,8** баробарга ошган.

2022 йил I ярми давомида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш

учун ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **21,8** фоизни (1 426,9 млрд. сўм) ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврида **19,8** фоиз (698,2 млрд. сўм) бўлган бўлса, мазкур даврда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг бозор тамойилларига асосланган “**Янги тартиб**” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши **48** фоиздан (1688,6 млрд. сўмдан) **56** фоизга (3 629,9 млрд. сўмга) ошди.(1-жадвал).

1-жадвал

Ипотека кредитларининг асосий кўрсаткичлари¹

	2020 йил I ярмида	2021 йил I ярмида	2022 йил I ярмида
Ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	4 898,1	3 522,8	6 531,1
- бирламчи бозорда	4 834,8	2 866,8	5 336,9
- иккиламчи бозорда	63,2	656,0	1 194,2
“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	360,4	1 688,6	3 629,9
- 1 ва 2 хонали квартира учун	192,3	859,2	1 763,4
- 3 ва ундан кўп хонали квартира учун	152,1	802,9	1 507,9
- якка тартибдаги уй-жойлар учун		26,5	358,6
Банк ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда	1 180,1	497,8	1 384,9
“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда		584,6	89,4
- бирламчи бозордаги уй-жойларга		1,7	1,5
- иккиламчи бозордаги уй-жойларга		577,8	81,2
- уй-жойни таъмирлашга		5,1	6,7
Ипотека кредитлари қолдиғи, трлн. сўмда	01.07.2020й. 24,6	01.07.2021й. 30,8	01.07.2022й. 40,5

Таъкидлаб ўтиш лозимки, 2022 йилнинг дастлабки 6 ойида ажратилган ипотека кредитлари таркибий ўзгаришлар натижасида ўсиши билан бир қаторда, ипотека кредитларига бўлган талаб юқориликча қолмоқда ҳамда мазкур талаблар, энг аввало:

▪ иқтисодий кўрсаткичларнинг жадал ўсиши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ялпи ички маҳсулот 5,4 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 3,3 фоизга, асосий капиталга киритилган

¹ Ипотека кредитларининг фоиз кўрсаткичлари ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан ҳисобланган.

инвестициялар 9,4 фоизга ҳамда мамлакатда қурилиш ишлари 6,2 фоизга ўсиши);

▪ аҳоли сонининг доимий ўсиб бориши (2022 йил 1 июль ҳолатига аҳоли сони 35,6 млн. кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,3 фоизни ташкил этиши);

▪ республикада инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий тармоқлардаги улуши ошиши;

▪ “Янги тартиб” жорий этилиши натижасида тижорат банклари ипотека кредитлари ажратиш учун барқарор ресурс манбаи билан таъминланаётганлиги;


▪ иккиламчи ипотека бозоридан уй-жой сотиб олиш, яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ва улушдор жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитларининг соддалаштирилганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, сўнги йилларда мамлакатимизда доимий яшаш манзили сифатида рўйхатдан ўтган жойи бошқа ҳудуд бўлишига қарамасдан, республиканинг исталган ҳудудида уй-жой сотиб олиш, яшаш ва ишлаш ҳуқуқининг эркинлаштирилганлиги, фуқароларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб ўтиш истакларининг ортишига сабаб бўлган бўлса, бу ўз навбатида, турар жойга бўлган эҳтиёжни янада оширди.


Юқорида қайд этилган ва бошқа бир қатор омиллар натижасида 2019 – 2021 йиллар ва 2022 йил I ярмида ипотека кредитлари қолдиғи **2,9** баробарга (26,7 трлн. сўмга), ипотека шартномалари сони эса қарийб **1,9** баробарга (142,9 минг донага) ошган. (1-расм).

1-расм

Ипотека шартномалари сони
минг дона




Ипотека кредитлари қолдиғи
трлн. сўмда



2022 йил 1 июль ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғининг жами кредит қолдиғига нисбатан улуши **11,8** фоизни (*40,5 трлн. сўм*) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **31,5** фоизга (*9,7 трлн. сўмга*) ошган. (2-расм).

2-расм


Жами кредит портфелида ипотека кредитлари қолдиғининг улуши, фоизда




Ҳудудлар кесимида, **Тошкент шаҳрида** ипотека кредитлари қолдиғи **9,6** трлн. сўмни (ҳудуднинг жами кредит қолдиғидаги улуши 5 фоиз), **Самарқандда** **3,7** трлн. сўм (*26 фоиз*), **Фарғонада** **3,2** трлн. сўм (*26 фоиз*), **Қашқадарёда** **2,6** трлн. сўмни (*27 фоиз*), **Сурхондарё вилоятида** **2,9** трлн. сўмни (*27 фоиз*) ташкил этди. (3-4-расмлар).

3-расм

2022 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида ипотека кредити қолдиғининг жами кредит портфелидаги улуши, фоизда



Ипотека кредитларининг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши, фоизда



Ажратилган ипотека кредитлари қолдиғининг **28,8** фоизи (11,7 трлн. сўм) **Ипотека банк**, **23,1** фоизи (9,3 трлн. сўм) **Қишлоққурилишбанк**, **15,3** фоизи (6,2 трлн. сўм) **Миллийбанк**, **7,9** фоизи (3,2 трлн. сўм) **Асакабанк**, **7,8** фоизи (3,1 трлн. сўм) **Ўзсаноатқурилишбанк**, **4,8** фоизи (2,0 трлн. сўм) **Халқ банки** ҳамда **12,2** фоизи (5,0 трлн. сўм) **бошқа тижорат банклари** ҳиссасига тўғри келмоқда. (5-расм).


2022 йил 1 июль ҳолатига ипотека кредити қолдиғида тижорат банкларининг улуши, фоизда




Ипотека кредитлари қолдиғининг **330,3** млрд. сўми (жами ипотека кредити қолдиғининг 1 фоизи) **7 йил, 3 077** млрд. сўми (8 фоизи) **10 йил, 13 825,6** млрд. сўми (34 фоизи) **15 йил, 23 276,6** млрд. сўми (57 фоизи) **20 йилгача** ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келган. (6-расм).

6-расм

Ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, *фоизда*




Ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, *мингда*



2022 йил I ярмида жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғи (*80,5 трлн. сўм*) таркибида ипотека кредитлари қолдиғининг улуши **50,3** фоизни ташкил этган. (7-расм).

7-расм

Ипотека кредити қолдиғининг жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғига нисбати




Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **30,3** фоизга (*18,7 трлн. сўмга*) ошган бўлса, ипотека кредитлари қолдиғи **31,5** фоизга (*9,7 трлн. сўмга*) ўсган.

Шунингдек, 2022 йил I ярми мобайнида ҳудудлар кесимида ажратилган ипотека кредитларининг ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбати **Сурхондарё вилоятида (2,9 фоиз), Тошкент шаҳрида (2,8 фоиз), Наманган (2,4 фоиз) ва Фарғона вилоятларида (2,4 фоиз)** нисбатан юқори шаклланган бўлса, энг паст кўрсаткичлар **Тошкент (1 фоиз), Навоий (1,1 фоиз) ва Қашқадарё вилоятлари (1,3 фоиз)** ҳиссасига тўғри келмоқда. (8-расм).

8-расм.

Ажратилган ипотека кредитлари ва қолдиғининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, фоизда




2022 йил I ярмида ажратилган ипотека кредитлари

Ҳудудлар кесими бўйича таҳлил қилинганда, 2022 йил 1 июль ҳолатига ажратилган ипотека кредитларининг **61,3** фоизи **5 та** ҳудудлар ҳиссасига тўғри келиб, бунда **29,9** фоизи (**1 956 млрд. сўм**) **Тошкент шаҳри**, **9,1** фоизи (**595,7 млрд. сўм**) **Фарғона вилояти**, **8,2** фоизи (**538,4 млрд. сўм**) **Самарқанд вилояти**, **7,1** фоизи (**461,1 млрд. сўм**) **Сурхондарё вилояти** ҳамда **6,9** фоизи (**451,5 млрд. сўм**) **Наманган вилоятида** истиқомат қилувчи фуқароларга ажратилган. (9-расм).

9-расм.

2022 йил I ярмида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудлар кесимида ажратилган ипотека кредитлари сони ҳамда мазкур ҳудудда **1 кв.км.га тўғри келадиган аҳоли сони** ўртасида боғлиқлик эластиклик юқори шаклланган бўлиб, улар сонининг ошиши ипотека кредитига бўлган талабни ошишини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2022 йил I ярмида ажратилган ипотека кредитларининг юқори сони **Тошкент шаҳрида 6,8** минг та (1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони 8645 нафар), **Фарғонада 4,0** минг та (578 нафар) **Тошкент вилоятида 3,2** минг тани (194 нафар) ташкил этмоқда. (10-расм).


10-расм

Ҳудудларда аҳоли зичлиги ҳамда ажратилган ипотека кредитлари сони ўртасида боғлиқлик чизмаси




2022 йил I ярмида тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг **1** фоизи (*кредит шартнома сони 1 443 та*) 100 млн.сўмгача, **25** фоизи (*16 787 та*) 101-200 млн.сўмгача, **43** фоизи (*12 409 та*) 201-300 млн.сўмгача, **21** фоизи (*4 346 та*) 301-400 млн.сўмгача, **10** фоизи (*1 415 та*) 401 млн.сўмдан юқори миқдорни ташкил этган. (11-расм)

2022 йил I ярмида ажратилган ипотека кредитларининг миқдорига кўра таркибий улуши




2022 йил I ярмида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари асосида уй-жойларнинг ўртача нархлари таҳлил қилинганда, хонадонларнинг нисбатан баландроқ нархи Тошкент шаҳрида (426,6 млн. сўм), Сурхондарё (320,8 млн. сўм) ва Самарқанд (307,7 млн. сўм) вилоятларида шаклланган бўлса, нисбатан паст нархлар Хоразм вилояти (240,5 млн. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (245,0 млн. сўм), Навоий (248,5 млн. сўм) ва Қашқадарё (251,0 млн. сўм) вилоятларида кузатилди. (12-расм)

Хонадонларнинг ўртача нархи (млн. сўмда)




Бироқ, республика миқёсида ҳудудларда уй-жойлар сотилишининг ўртача нархлари 2022 йил июнь ойлари учун таҳлил қилинганда, квартираларнинг **1 м./кв.** учун ўртача нархлари **Тошкент шаҳрида** (9,01 млн.сўм), **Самарқандда** (8,02 млн.сўм) ва **Тошкент вилоятида** (5,57 млн.сўм) нисбатан энг юқори нархлар бўлса, **Хоразм** (3,17 млн.сўм) **Жиззах** (3,50 млн.сўм), **Сирдарё** (3,56 млн.сўм) ва **Андижон** (3,73 млн.сўм) вилоятларида нисбатан паст нархлар кузатилди. (13-расм)



Манба: Марказий банк ва веб саҳифалар

Шунингдек, ҳисобот даврида жами ажратилган ипотека кредитлари таркибида “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши **56** фоизни (3 629,9 млрд. сўм), банк ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари улуши **21** фоизни (1 384,9 млрд. сўм), “Қишлоққурилишинвест” ИК ва “Ўзшаҳарқурилишинвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг улуши **22** фоизни (1 426,9 млрд. сўм) ташкил этган бўлса, “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар эса **1** фоизни (89,4 млрд. сўм) ташкил этди. (14-расм).


2020 - 2021 йиллар ва 2022 йил I ярми давомида ажратилган ипотека кредитлари таркибий улуши, фоизда




2022 йилнинг дастлабки 6 оyi мобайнида ажратилган ипотека кредитларининг **22** фоизи (1 545,1 млрд. сўм) 18-30 ёшгача, **70** фоизи (4 501,6 млрд. сўм) 31-50 ёшгача, **8** фоизи (484,4 млрд. сўм) эса 50 ёшдан юқори фуқароларга ажратилган. (15-расм).

15-расм


2022 йилнинг I ярмида ажратилган ипотека кредитлари мижозларининг ёш бўйича таснифи, фоизда



18-30 ёшгача



31-50 ёшгача



50 ёшдан юқори

Шунингдек, **бирламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун **29 577** нафар фуқарога (жамига нисбатан **81** фоиз) **5 336,9** млрд. сўм ва **иккиламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун **6 823** нафар фуқарога (**19** фоиз) **1 194,2** млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган.

2022 йил I ярмида амалда бўлган шартлар асосида ажратилган ипотека кредитлари қайтарилишида ойлик тўловлари миқдори

2-жадвал


Т/р	Кредит миқдори	Кредит муддати	Тўлов усули	Ойлик тўлов	
				Кредит йиллик фоиз ставкаси	
				17 % бўлганда	18 % бўлганда
1	100 млн. сўм	20 йил	Аннуитет (ҳар ойда тенг миқдорларда)	1 466 801 сўм	1 543 312 сўм
2	150 млн. сўм			2 200 201 сўм	2 314 967 сўм
3	200 млн. сўм			2 933 601 сўм	3 086 623 сўм
4	250 млн. сўм			3 667 001 сўм	3 858 279 сўм
5	300 млн. сўм			4 400 402 сўм	4 629 935 сўм
6	350 млн. сўм			5 133 802 сўм	5 401 590 сўм
7	400 млн. сўм			5 867 202 сўм	6 173 246 сўм

“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари

2022 йил I ярмида “Янги тартиб” доирасида 16 866 нафар фуқароларга жами **3 629,9** млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,2** баробарга ёки **1 941,3** млрд. сўмга кўп) миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг **1 763,4** млрд. сўми (**49** фоизи) **1** ва **2** хонали квартира, **1 507,9** млрд. сўми эса (**41** фоизи) **3** ва **ундан кўп** хонали квартираларни, шунингдек, **358,6** млрд. сўми (**10** фоизи) **якка тартибдаги уй-жойларни** сотиб олиш учун берилган.

16-расм


“Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Ажратилган мазкур ипотека кредитларининг энг юқори улушлари **Тошкент** шаҳри (**748,5** млрд. сўм), **Фарғона** вилояти (**472,9** млрд. сўм), **Самарқанд** вилояти (**398,9** млрд. сўм) ҳамда **Сурхондарё** вилоятлари (**376,2** млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. (16-расм).


2021-2022 йилларнинг мос равишда I ярмида “Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига **5 318,5** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилиб, уларнинг энг юқори улуши **Ипотека банк** (**29,5** фоизи), **Қишлоққурилишбанк** (**27,1** фоизи), **Миллийбанк** (**11,8** фоизи), **Халқ банки** (**6,9** фоизи) ҳамда **24,7** фоизи бошқа иштирокчи тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. (17-расм).

2021-2022 йиллар I ярмида “Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



2020-2021 йиллар ва 2022 йил I ярми давомида “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари миқдори 10 223,1 млрд. сўмнинг 41,4 фоизи (18 552 нафар фуқароларга 4 228,8 млрд. сўм) уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган.

“Янги тартиб” доирасида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




Мазкур кредитларнинг **925,2** млрд. сўми (*21,9* фоизи) **Самарқанд**, **633,0** млрд. сўми (*15* фоизи) **Сурхондарё**, **578,4** млрд. сўми (*13,7* фоизи) **Фарғона** вилоятларида ва **500,4** млрд. сўми (*11,8* фоизи) **Тошкент шаҳрида** истиқомат қилувчи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқаролар ҳиссасига тўғри келади.(18-расм).

Шунингдек, “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **17,3** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,2** фоиз бандга пасайган. (19-расм).

19-расм

Марказий банкнинг асосий ставкаси ва “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, фоизда



“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари ўртача фоиз ставкасининг пасайиш тенденциясига эга бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлар фоизлари мос равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши бўйича белгиланган тартиб билан изоҳланади.

Хусусан, Марказий банкнинг асосий ставкаси 2020 йилда **16** фоиздан **14** фоизга туширилди ва бу ўз навбатида, ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПҚ-199-сон “Марказлашган манбалар ҳисобидан ипотека ва таълим кредитлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги қарорида Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ипотека ва таълим кредитлари учун ажратиладиган ресурс маблағлари бўйича фоиз ставкаларини **2022 йил якунига қадар**, истисно тариқасида, амалдаги фоиз ставкаларида, яъни ипотека кредити бўйича **13 фоиз** миқдорида сақлаб қолиш белгиланди.

Шунга кўра, 2022 йил 17 март куни Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкаси **14 фоиздан жорий 17 фоизга** оширилишига (шунингдек, 2022 йил 10 июнда **17 фоиздан 16 фоизга** туширилиши) қарамасдан, Молия вазирлигининг ипотека кредитлари учун ажратаётган ресурс маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари амалдаги **17-18%** атрофидаги йиллик фоиз ставкаларида ўзгаришсиз қолишига асос бўлди.

Ўзбекистон ва бошқа кўшни давлатларда ипотека кредитлари ҳолати бўйича солиштирма маълумот

	Ўзбекистон	Россия	Қозоғистон	Қирғизистон
Қайта молиялаш ставкаси, %	16 (10/06//2022й)	9,5 (14/06//2022й)	14	14
Ипотека кредитининг йиллик ўртача фоизи, %	17,3	6,17	8,6	12,8
Ипотека кредитининг ўртача муддати	18,8 йил	22,7 йил	9 йил	9,8 йил
Ипотека кредитининг энгм узоқ муддати	20 йил	30 йил	25 йил	25 йил
Ипотека кредитининг ўртача миқдори, \$	19 771 \$	65 010 \$	30 360 \$	*
	2019 йил	3,8	17,5	3
Ипотека портфелининг ЯИМ даги улуши, %	2020 йил	4,9	9,4	5
	2021 йил	5,3	10	3,8 (08/2021й.)
				2,89 (09/2021й.)
Пойтахтда янги қурилган уйларнинг ўртача нархи (1 м.кв.)	821 \$	4180 \$	964 \$	815 \$
Пойтахтда иккиламчи бозордаги уйларнинг ўртача нархи (1 м.кв.)	780 \$	3965 \$	943 \$	790 \$

Манба: макроиқтисодий таҳлилларга оид расмий вебсаҳифалар ва иқтисодий тадқиқотлар марказлари анализлари асосида.


Банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари

2022 йил I ярмида жами 25 та тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан **6 184** нафар фуқарога **1 384,9** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,8** баробарга кўп демакдир.

Ажратилган кредитларнинг **19** млрд. сўми 5 йил муддатга (*16 нафар фуқарога, жамига нисбатан 0,3 фоиз*), **711** млрд. сўми 10 йил муддатга (*3 663 нафарга, 59,2 фоиз*) ва **655** млрд. сўми 15 йил муддатга (*2 505 нафарга, 40,5 фоиз*) ажратилган. (20-расм)


20-расм

2022 йил I ярмида банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган жами ипотека кредитларининг ажратилиш муддатига кўра улуши, фоизда



Банклар ўз маблағлари ҳисобидан миқдорига кўра **Тошкент шаҳрида 741,1** млрд. сўм (*жамига нисбатан 54 фоиз*), **Навоий вилоятида 105** млрд. сўм (*8 фоиз*), **Тошкент вилоятида 95,4** млрд. сўм (*7 фоиз*) ва **Андижон вилоятида 58,7** млрд. сўм (*4 фоиз*) ипотека кредитлари ажратилган. (21-расм)


2022 йил I ярмида банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган жами ипотека кредитларининг ҳудудлар кесимида улуши, млрд. сўм



Миллий банк 381,9 млрд. сўм (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,8 баробарга ошган*), **Ориент финанс банк 302,3** млрд. сўм (*5,8 баробарга ошган*), **Халқ банки 193,9** млрд. сўм (*3,7 баробарга ошган*), **Ҳамкор банк 92,5** млрд. сўм (*35,6 баробарга ошган*) ва **Давр банк 70,1** млрд. сўм (*2,8 баробарга ошган*) миқдорда ипотека кредитларини ўз маблағлари ҳисобидан ажратган. (22-расм)

22-расм

2022 йил I ярмида банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган жами ипотека кредитларининг банклар кесимида улуши, млрд. сўм




Тижорат банклари томонидан қурилиш пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлари ҳолати

2022 йил 1 июль ҳолатига тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига уй-жойлар қуриш учун ажратилган **кредитлар қолдиғи 1 820,2** млрд. сўмни (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 фоизга ёки 87,4 млрд. сўмга ўсган*) ташкил этиб, уларнинг юқори улуши **Сурхондарё (26,2 фоизи), Жиззах (13,8 фоизи), Самарқанд (11,3 фоизи),** ва **Тошкент вилоятлари (9,8 фоизи)** ҳиссасига тўғри келмоқда. (23-24-расмлар).


23-расм

Тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига уй-жойлар қуриш учун ажратилган кредитлар қолдиғи, млрд. сўмда



24-расм

Тижорат банклари томонидан 2022 йил I ярмида уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлар, млрд. сўмда




Ипотека кредитларининг сўндирилиши ҳолати

Жами ипотека кредитлари қолдиғининг **0,2** фоизи (61,1 млрд. сўм) **2010 йилгача**, **9,5** фоизи (3 854,7 млрд. сўм) **2011-2016 йиллар** давомида, **75,7** фоизи (30 680,0 млрд. сўм) **2017-2021 йилларда** ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келса, **14,6** фоизи (5 913,7 млрд. сўм) **2022 йилнинг I ярми** ҳиссасига тўғри келади. (26-расм).

26-расм

Ипотека кредити қолдиғининг ажратилган даври бўйича тақсимоти,
фоизда



2022 йил 1 июль ҳолатига **Ипотека банк** томонидан **407,8** млрд. сўм (жами сўндирилган ипотека кредитларининг 22,1 фоизи) сўндирилган бўлса, мазкур кўрсаткич **Қишлоқ қурилиш банкда 383,2** млрд. сўмни (20,7 фоиз), **Миллий банкда 216** млрд. сўмни (11,7 фоиз), **Халқ банкида 146,1** млрд. сўмни (7,9 фоиз) ташкил этмоқда.

Сўндирилган ипотека кредитларининг кредит графигига нисбати **Халқ банкида 265** фоизни (кредит графигига нисбатан 106,1 млрд сўм кўп сўндирилган), **Қишлоқ қурилиш банкда 86** фоизни (+177,3 млрд. сўм), **Миллий банкда 109** фоизни (+112,5 млрд. сўм) ташкил этган бўлса, **Ипотека ва Асака банкларида 47** фоиз (мос равишда 129,9 млрд. сўм ва 39,2 млрд. сўм) миқдорда кредит графигига нисбатан кўп ипотека кредитлари сўндирилган. (27-расм).


2022 йил I ярмида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда



Шунингдек, 2022 йил I ярмида **14,5** минг нафардан ортиқ фуқароларнинг жами **1 847,3** млрд. сўм (*кредит графигига нисбатан 1,1 баробарга ёки 183,9 млрд. сўмга кўп*) миқдордаги ипотека кредитлари сўндирилган бўлиб, 2021 йилнинг мос даврида сўндирилган **956,4** млрд. сўм миқдордаги ипотека кредитларидан 1.9 баробарга кўп демакдир.

Жумладан, **Тошкент шаҳрида 691,6** млрд. сўм (*жами сўндирилган ипотека кредитларининг 37,4 фоизи*), **Қорақалпоғистон Республикасида 105,7** млрд. сўм (*5,7 фоиз*), **Самарқандда 112,2** млрд. сўм (*6 фоиз*), **Қашқадарёда 157,8** млрд. сўм (*8,5 фоизи*) миқдордаги ипотека кредитлари сўндирилди. (28-расм).


2022 йил I ярмида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда



Таҳлилларга кўра, 2022 йил якунига қадар барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека жами **951,9** млрд. сўми, жумладан, **Тошкент шаҳрида 180** млрд. сўм (жами сўндирилиши кутилаётган ипотека кредитларининг 18,9 фоизи), **Қашқадарёда 88** млрд. сўм (9,3 фоизи), **Самарқандда 87** млрд. сўм (9,2 фоизи), **Қорақалпоғистон Республикасида 83** млрд. сўм (8,7 фоиз) тўлиқ сўндирилиши кутилмоқда. (29-расм).

29-расм

2022 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг сўндирилиши кутилаётган миқдори, млрд. сўмда



2017-2022 йиллар I ярмида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Жами ажратилган кредитлар		шундан												Жами ажратилган кредитлар қолдиғи (01.07.2022 й.)
				2017 йил II чорак		2018 йил II чорак		2019 йил II чорак		2020 йил II чорак		2021 йил II чорак		2022 йил II чорак		
				сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
ЖАМИ		163 250	21 058,1	15 820	1 429,1	23 332	1 894,5	29 955	2 782,5	32 422	4 898,1	25 321	3 522,8	36 400	6 531,1	40 509,5
1	Қорақалпоғистон Республикаси	11 062	1 162,9	1 116	73,5	1 682	164,0	3 336	333,2	1 835	248,1	1 484	144,5	1 609	199,6	2 207,4
2	Андижон вилояти	10 303	1 279,3	1 370	111,5	2 403	169,5	1 048	93,5	1 086	158,9	2 014	294,3	2 382	451,5	2 652,7
3	Бухоро вилояти	6 499	781,0	135	11,7	761	57,6	1 413	141,9	767	92,7	1 286	155,4	2 137	321,7	1 871,3
4	Жиззах вилояти	8 499	840,5	1 052	75,2	2 373	118,2	1 680	143,0	1 334	209,3	1 040	107,7	1 020	187,1	1 764,1
5	Қашқадарё вилояти	13 045	1 331,4	1 939	155,3	2 686	305,4	3 043	279,0	1 692	175,3	1 456	134,7	2 229	281,7	2 656,8
6	Навоий вилояти	7 726	921,5	1 166	103,0	826	60,0	1 547	114,1	706	100,9	1 374	194,0	2 107	349,4	1 847,4
7	Наманган вилояти	8 468	1 003,4	318	34,6	858	77,1	1 413	141,2	2 028	150,7	1 409	183,5	2 442	416,3	2 279,9
8	Самарқанд вилояти	12 820	1 612,8	1 701	138,2	1 160	63,0	2 735	162,3	2 680	434,3	1 639	276,5	2 905	538,4	3 675,6
9	Сурхондарё вилояти	11 704	1 385,6	1 443	118,2	1 890	148,5	1 586	146,1	2 178	299,4	1 994	212,3	2 613	461,1	2 927,1
10	Сирдарё вилояти	5 813	633,0	991	55,5	1 034	75,8	1 327	109,9	680	119,1	1 008	139,4	773	133,3	1 272,5
11	Тошкент вилояти	15 014	1 552,8	826	51,1	2 110	135,1	3 386	297,1	3 591	409,5	1 929	248,7	3 172	411,4	2 904,2
12	Фарғона вилояти	13 876	1 496,6	1 389	98,4	1 572	115,3	2 313	165,9	1 977	193,1	2 591	328,2	4 034	595,7	3 168,7
13	Хоразм вилояти	9 273	703,5	1 161	88,8	1 360	57,9	1 709	131,6	1 499	88,3	1 383	109,3	2 161	227,7	1 676,4
14	Тошкент шаҳри	29 148	6 354,0	1 213	314,2	2 617	347,0	3 419	523,8	10 369	2 218,6	4 714	994,3	6 816	1 956,0	9 605,3

2017-2022 йиллар I ярмида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган кредитлар		шундан												Жами ажратилган кредитлар қолдиғи (01.07.2022 й.)
				2017 йил II чорак		2018 йил II чорак		2019 йил II чорак		2020 йил II чорак		2021 йил II чорак		2022 йил II чорак		
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
ЖАМИ		163 250	21 058,1	15 820	1 429,1	23 332	1 894,5	29 955	2 782,5	32 422	4 898,1	25 321	3 522,8	36 400	6 531,1	40 509,5
1	Ипотекабанк	47 815	6 124,1	2 067	203,1	7 509	690,5	7 788	780,3	12 892	2 022,2	10 731	1 307,5	6 828	1 120,6	11 672,2
2	Асакабанк	15 676	1 999,1	1 863	188,1	3 445	330,5	3 817	384,4	5 531	920,3	600	92,5	420	83,2	3 205,7
3	Миллийбанк	24 987	3 169,8	2 762	192,0	3 039	132,6	4 076	326,2	3 346	385,6	2 254	253,1	9 510	1 880,3	6 201,7
4	Ўзсаноатқурилишбанк	16 631	2 135,3	2 004	201,3	2 587	241,2	4 255	400,8	5 274	935,7	1 558	238,3	953	117,9	3 171,3
5	Халқ банки	10 890	1 131,1	1 243	74,2	1 908	119,9	2 004	142,8	1 662	150,2	1 355	167,9	2 718	476,2	1 963,2
6	Алоқабанк	1 534	280,0	253	32,3	240	37,0	172	27,3	228	54,6	102	23,2	539	105,5	462,9
7	Қишлоққурилишбанк	31 665	3 118,9	4 820	380,7	3 711	184,6	5 904	421,8	2 527	165,6	5 423	686,7	9 280	1 279,4	9 345,2
8	Микрокредитбанк	2 121	395,4	81	10,5	495	81,0	203	38,8	118	25,0	474	95,9	750	144,1	624,3
9	Агробанк	1 614	319,5	50	6,9	34	4,4	81	14,3	253	73,1	675	124,3	521	96,4	506,9
10	Туронбанк	1 559	312,6	90	12,0	28	4,3	132	24,3	229	57,5	427	91,8	653	122,7	531,5
11	Бошқа банклар	8 758	2 072,4	587	127,8	336	68,6	1 523	221,6	362	108,2	1 722	441,5	4 228	1 104,7	2 824,7

2022 йил I ярмида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шундан		манбаи бўйича				фоиз ставкаси бўйича	
				бирламчи бозорга	иккиламчи бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси	йиллик 17 фоизгача	йиллик 17 фоиздан юқори
				сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси
ЖАМИ		36 400	6 531,1	5 336,9	1 194,2	1 384,9	1 426,9	3 629,9	89,4	2 999,3	3 531,8
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 609	199,6	142,1	57,5	51,7	65,7	78,3	3,9	112,7	86,9
2	Андижон вилояти	2 382	451,5	371,0	80,5	58,7	105,1	282,8	4,9	261,8	189,7
3	Бухоро вилояти	2 137	321,7	280,1	41,7	22,3	70,3	226,9	2,2	104,1	217,6
4	Жиззах вилояти	1 020	187,1	130,4	56,8	49,8	53,3	80,7	3,3	89,3	97,8
5	Қашқадарё вилояти	2 229	281,7	235,1	46,6	33,6	100,5	143,9	3,7	186,9	94,8
6	Навоий вилояти	2 107	349,4	237,4	112,1	105,0	42,8	197,4	4,3	141,8	207,6
7	Наманган вилояти	2 442	416,3	383,4	32,9	23,7	109,7	279,4	3,5	256,3	160,0
8	Самарқанд вилояти	2 905	538,4	496,3	42,1	42,1	94,0	398,9	3,4	236,9	301,6
9	Сурхондарё вилояти	2 613	461,1	427,8	33,3	27,4	55,7	376,2	1,8	154,6	306,5
10	Сирдарё вилояти	773	133,3	107,3	26,0	32,7	45,7	53,3	1,7	95,5	37,8
11	Тошкент вилояти	3 172	411,4	301,5	109,9	95,4	195,0	111,3	9,8	246,7	164,7
12	Фарғона вилояти	4 034	595,7	526,0	69,6	54,0	65,7	472,8	3,1	246,3	349,3
13	Хоразм вилояти	2 161	227,7	149,5	78,2	47,5	26,8	147,4	6,0	117,1	110,6
14	Тошкент шаҳри	6 816	1 956,0	1 548,9	407,1	741,1	396,7	780,5	37,7	749,1	1 206,9

2022 йил I ярмида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Ажратилган кредитлар		шундан		манбаи бўйича				фоиз ставкаси бўйича	
				бирламчи бозорга	иккиламчи бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси	йиллик 14 фоизгача	йиллик 14 фоиздан юқори
				сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси
ЖАМИ		36 400	6 531,1	5 336,9	1 194,2	1 384,9	1 426,9	3 629,9	89,4	2 999,3	3 531,8
1	Ипотекабанк	6 828	1 120,6	1 094,7	25,9	53,1	175,3	889,8	2,4	357,7	762,9
2	Асакабанк	420	83,2	70,7	12,5	2,4	0,8	77,1	2,9	60,1	23,2
3	Миллийбанк	9 510	1 880,3	1 588,8	291,4	381,9	962,4	531,5	4,5	1 032,3	848,0
4	Ўзсаноатқурилишбанк	953	117,9	105,7	12,2	14,9	9,1	86,4	7,4	28,6	89,3
5	Халқ банки	2 718	476,2	275,3	200,8	193,9	4,3	274,7	3,3	222,4	253,8
6	Алоқабанк	539	105,5	100,9	4,6	3,3		102,2		23,2	82,3
7	Қишлоққурилишбанк	9 280	1 279,4	1 198,1	81,4	12,8	274,9	987,0	4,7	820,3	459,2
8	Микрокредитбанк	750	144,1	122,1	22,0	6,9		137,2		88,8	55,4
9	Агробанк	521	96,4	76,9	19,6	4,0		83,5	9,0	41,4	55,0
10	Туронбанк	653	122,7	69,9	52,8	6,5		78,4	37,8	35,6	87,1
11	Бошқа банклар	4 228	1 104,7	633,8	470,9	705,3		382,1	17,3	289,0	815,7

2020-2021 йиллар ва 2022 йил I ярмида “Янги тартиб” доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд.сўм

№	Худудлар номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан,							
				янги тартиб доирасида		шундан, субсидия асосида ажратилган кредитлар		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан, иккиламчи бозорга	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		58 840	12 331,2	47 395	10 223,1	18 552	4 228,8	11 445	2 108,1	10 966	2 073,2
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 350	392,9	1 456	261,6	122	25,1	894	131,2	868	129,2
2	Андижон вилояти	4 782	1 025,2	4 120	900,1	1 064	228,4	662	125,1	605	121,4
3	Бухоро вилояти	3 741	673,3	3 187	581,0	1 585	294,1	554	92,3	525	90,4
4	Жиззах вилояти	1 502	308,7	1 173	252,5	463	118,2	329	56,2	287	53,4
5	Қашқадарё вилояти	2 596	493,2	1 988	396,3	674	131,7	608	96,9	585	95,4
6	Навоий вилояти	4 345	783,1	3 264	604,4	576	109,8	1 081	178,7	1 041	176,5
7	Наманган вилояти	3 994	795,5	3 518	721,6	2 232	486,3	476	73,9	443	72,0
8	Самарқанд вилояти	6 918	1 584,4	6 517	1 503,4	3 871	925,2	401	81,0	391	80,3
9	Сурхондарё вилояти	4 711	1 079,7	4 415	1 022,3	2 509	633,0	296	57,4	285	56,0
10	Сирдарё вилояти	1 031	196,9	725	142,9	125	32,9	306	54,0	281	51,8
11	Тошкент вилояти	2 976	526,0	1 419	275,1	306	70,9	1 557	250,9	1 529	248,2
12	Фарғона вилояти	7 364	1 374,9	6 620	1 271,3	2 822	578,4	744	103,6	685	99,8
13	Хоразм вилояти	2 755	447,8	1 991	314,4	462	94,3	764	133,4	707	129,3
14	Тошкент шаҳри	9 775	2 649,6	7 002	1 976,1	1 741	500,4	2 773	673,5	2 734	669,5

2020-2021 йиллар ва 2022 йил I ярмида “Янги тартиб” доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд.сўм

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан,							
				янги тартиб доирасида		шундан, субсидия асосида ажратилган кредитлар		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан, иккиламчи бозорга	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		58 840	12 331,2	47 395	10 223,1	18 552	4 228,8	11 445	2 108,1	10 966	2 073,2
1	Ипотекабанк	16 019	3 518,1	14 029	3 148,5	5 802	1 355,0	1 990	369,6	1 975	367,9
2	Асакабанк	2 453	490,3	1 130	243,7	502	120,3	1 323	246,6	1 279	243,3
3	Миллийбанк	5 892	1 357,3	5 647	1 293,4	2 519	588,2	245	63,9	207	61,1
4	Ўзсаноатқурилишбанк	3 745	716,2	1 249	264,4	403	100,0	2 496	451,9	2 496	451,9
5	Халқ банки	3 712	697,0	3 600	668,4	1 545	343,9	112	28,7	112	28,7
6	Алоқабанк	922	202,0	922	202,0	380	86,9				
7	Қишлоққурилишбанк	13 749	2 799,6	12 619	2 577,7	4 458	957,4	1 130	221,9	1 129	221,8
8	Микрокредитбанк	2 190	427,2	2 190	427,2	938	198,9				
9	Агробанк	1 999	387,7	1 309	267,6	881	189,5	690	120,1	684	119,2
10	Туронбанк	1 891	364,8	964	175,9	279	59,7	927	189,0	831	179,8
11	Ипак Йули банк	66	15,4	66	15,4	38	8,7				
12	Хамкор банк	3 446	595,6	914	179,1	245	54,3	2 532	416,5	2 253	399,6
13	Капитал банк	532	129,4	532	129,4	43	10,0				
14	Ориент финанс банк	2 224	630,5	2 224	630,5	519	156,2				

2022 йил I ярмида “Янги тартиб” доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн.сўмда

№	Худуд номи	Жами		шундан,									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		якка тартибдаги уй-жойлар	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		16 866	3 629 902,0	995	189 733,8	7 057	1 573 649,0	5 083	1 328 033,8	612	179 844,7	3 119	358 640,7
1	Қорақалпоғистон Республикаси	495	78 328,0	28	4 322,0	136	27 750,3	95	22 587,1	3	771,6	233	22 897,0
2	Андижон вилояти	1 339	282 783,2	25	4 639,2	596	129 180,6	449	112 777,6	31	8 624,7	238	27 561,1
3	Бухоро вилояти	1 242	226 902,4	63	10 656,6	540	99 958,8	396	87 712,9	13	3 141,2	230	25 432,8
4	Жиззах вилояти	408	80 720,3	10	2 345,3	92	22 603,5	128	35 485,6	9	2 619,4	169	17 666,6
5	Қашқадарё вилояти	818	143 941,3	45	7 371,5	372	71 762,5	164	37 611,4	6	1 351,9	231	25 843,9
6	Навобий вилояти	1 103	197 377,4	139	21 828,6	430	87 819,6	211	47 512,3	55	13 415,8	268	26 801,1
7	Наманган вилояти	1 218	279 425,9	43	8 805,2	681	168 405,6	344	79 818,4	19	5 482,2	131	16 914,5
8	Самарқанд вилояти	1 800	398 921,4	120	21 703,9	797	174 012,6	677	170 089,4	64	17 806,5	142	15 308,9
9	Сурхондарё вилояти	1 630	376 224,9	45	7 896,7	813	192 700,6	490	138 221,3	35	8 747,6	247	28 658,7
10	Сирдарё вилояти	325	53 286,1	3	671,5	66	17 661,4	44	13 173,8	3	892,5	209	20 886,9
11	Тошкент вилояти	593	111 309,0	20	3 315,0	223	49 845,0	121	28 900,5	18	4 320,0	211	24 928,5
12	Фарғона вилояти	2 455	472 846,3	116	18 682,4	1 047	204 950,9	725	162 480,5	114	25 448,6	453	61 283,9
13	Хоразм вилояти	965	147 360,4	50	7 736,3	320	52 481,7	205	37 462,2	33	5 223,4	357	44 456,8
14	Тошкент шаҳри	2 475	780 475,2	288	69 759,4	944	274 515,8	1 034	354 200,8	209	81 999,2		

2022 йил I ярмида “Янги тартиб” доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн.сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами		шундан,									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		якка тартибдаги уй-жойлар	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		16 866	3 629 902,0	995	189 733,8	7 057	1 573 649,0	5 083	1 328 033,8	612	179 844,7	3 119	358 640,7
1	Ипотекабанк	3 824	889 781,9	263	49 200,0	1 787	410 093,0	1 303	329 103,9	365	94 099,1	106	7 285,8
2	Асакабанк	342	77 093,2	26	5 092,4	121	27 477,4	97	27 330,3	11	2 801,8	87	14 391,4
3	Миллийбанк	2 179	531 520,3	213	33 930,1	673	156 061,1	821	253 566,0	128	52 175,8	344	35 787,3
4	Ўзсаноатқурилишбанк	421	86 417,6	33	5 322,1	125	29 518,4	92	25 560,4	20	5 654,4	151	20 362,4
5	Халқ банки	1 727	274 684,2	78	14 734,0	430	96 492,6	282	64 166,3	4	1 020,7	933	98 270,6
6	Алоқабанк	469	102 233,8	20	4 072,8	198	42 887,7	97	24 352,1	10	2 559,5	144	28 361,7
7	Қишлоққурилишбанк	4 815	987 018,9			2 507	537 297,6	1 568	377 729,7			740	71 991,6
8	Микрокредитбанк	727	137 207,0	35	6 672,9	284	58 598,3	204	47 573,1	4	1 021,7	200	23 341,0
9	Агробанк	452	83 475,9	13	2 437,6	221	39 906,4	135	30 247,8	5	1 274,0	78	9 610,2
10	Туронбанк	468	78 376,7	69	10 436,8	226	46 759,7	20	5 499,8	6	1 595,2	147	14 085,2
12	Хамкор банк	589	116 232,1	44	8 512,9	195	38 228,5	140	30 386,6	23	4 091,9	187	35 012,1
14	Ориент финанс банк	853	265 860,3	201	49 322,1	290	90 328,3	324	112 517,8	36	13 550,7	2	141,4

2022 йил I ярмида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари
ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн.сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан,					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		542	89 353,1	5	1 420,0	406	81 215,4	131	6 717,8
1	Қорақалпоғистон Республикаси	39	3 917,2			35	3 757,2	4	160,0
2	Андижон вилояти	43	4 943,0			26	3 974,0	17	969,0
3	Бухоро вилояти	25	2 185,0			9	1 334,5	16	850,5
4	Жиззах вилояти	18	3 342,1			14	3 090,0	4	252,1
5	Қашқадарё вилояти	29	3 698,5			20	3 252,0	9	446,5
6	Навоий вилояти	41	4 268,4			17	3 080,5	24	1 187,9
7	Наманган вилояти	30	3 482,3			18	2 932,3	12	550,0
8	Самарқанд вилояти	20	3 363,3	1	150,0	16	3 057,4	3	156,0
9	Сурхондарё вилояти	13	1 847,2			12	1 767,2	1	80,0
10	Сирдарё вилояти	8	1 682,2	2	482,0	6	1 200,2		
11	Тошкент вилояти	55	9 771,9	1	400,0	50	9 071,9	4	300,0
12	Фарғона вилояти	31	3 093,3			16	2 459,8	15	633,5
13	Хоразм вилояти	45	6 015,8			33	5 403,3	12	612,5
14	Тошкент шаҳри	145	37 743,0	1	388,0	134	36 835,1	10	519,9

2022 йил I ярмида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн.сўмда

№	Тижорат банклари номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан,					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
ЖАМИ		542	89 353,1	5	1 420,0	406	81 215,4	131	6 717,8
1	Ипотекабанк	9	2 394,5			9	2 394,5		
2	Асакабанк	21	2 935,8			20	2 875,8	1	60,0
3	Миллийбанк	16	4 525,2			15	4 445,2	1	80,0
4	Ўзсаноатқурилишбанк	79	7 421,2			79	7 421,2		
5	Халқ банки	12	3 315,9			12	3 315,9		
6	Қишлоққурилишбанк	17	4 663,0			17	4 663,0		
7	Агробанк	33	9 001,6	2	482,0	31	8 519,6		
8	Туронбанк	160	37 829,2	3	938,0	148	36 309,8	9	581,4
9	Хамкор банк	195	17 266,8			75	11 270,4	120	5 996,4